

● ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР БОСИБ ЧИҚАРИЛЯПТИ

● ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

● КУНИГА 113 МОТОР РЕМОНТ ҚИЛИНЯПТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

12 ИЮНЬ, 1969 Й ПАЙШАНБА № 137 (901). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

11 июнда коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши ўз ишини давом эттирди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Г. Гусак раислигида ўтган эрталабки мажлисда кун тартибида турган масалаларни муҳокама қилиш давом этди. Музокараларда Канада Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ У. Каштан, Испания Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ С. Каррильо, Бразилия коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. К. Престес, Италия Коммунистик партияси Бош секретарининг ўринбосари ўртоқ Э. Берлингуэр сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Т. Живков раислик қилди.

Мажлисда Португалия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ А. Куньял, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Г. Гусак, Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Х. Д. Прадо сўзга чиқдилар.

Тошкент асбобсозлик заводида беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳаракатига қўшилаётган ишчилар сони ой сайин ортаётир.

СУРАТДА: корхонанинг ўз шахсий топшириқларини шу йил октябрь ойида бажаришга аҳд қилган зарбдор ишчиси Вали Иброҳимов.

М. Нуриддинов фотолари.

● Сиёсий маориф шохобчаларида ўқув йили якунланмоқда

ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИНИ ЎРГАНДИК

Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси партия ташкилотининг секретари В. Йўлдошев шундай ҳикоя қилади:

— Маълумки, марксизм-ленинизм назариясини ўрганишнинг уч босқичи—бошланғич, ўрта ва олий босқичлари жорий этилган. Ўқув йили бошида бизда иккита группа ташкил этилиб, унинг қатнашчилари бошланғич ва ўрта босқич программаси асосида таълим ола бошлади. Биринчи группага пропагандист Э. Ҳолдоров, иккинчи группага пропагандист Л. В. Бобоев раҳбарлик қилди.

Барча ердагидек, бизда ҳам сиёсий маорифда бу ўқув йили Ленин таълимотини ўрганиш йили бўлди.

ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

«Главташкентстрой» га қарашли 11-бисотстрой трести партия ташкилоти секретарининг ўринбосари В. Т. Харченко хабар қилади:

—Бу йил трестимиз бўйича саккизта сиёсий ўқув мактаби мунтазам ишлаб турди. Уларда асосий диққат-эътибор В. И. Ленин асарларини ўрганишга қаратилди. Трест аппаратида ҳамда биринчи, иккинчи, ўн еттинчи қурилиш бошқармаларида якунловчи машғулотлар ўтказилиб, тингловчиларнинг билими аниқланди. Қолган группаларда ҳам якунловчи машғулотларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

НАВБАТДАГИ РЕЖАЛАР

Офсет босма фабрикасининг коллективи ўтган йили юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиб Ўзбекистон ССР Давлат матбуот Комитетининг кўчма Қизил байроғини ҳамда биринчи даражали пул мукофотини олишга сазовар бўлган эди. Аҳил коллектив беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам ой сайин яхши кўрсаткичларга эришиб, Қизил байроқни ўз қўлида сақлаб келяпти.

Фабрика матбаачилари янги ўқув йили учун белгиланган дарсликларни босиб бўлдилар,—дейди ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Ш. Сайдалиев. Ҳозир коллектив янги вазифаларни бажаришга тайёргарлик кўрмоқда. Буларнинг бири—«Ўқитувчи» нашриёти тайёрлаган бошланғич синф лар учун рангли иккита экспериментал дарслик ҳисобланади. Янги программа асосида тайёрланган дарсликлардан 3 мингта босиб чиқарилади.

Шунингдек, 1970—71 ўқув йиллари учун дарсликлар босиб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

ҲУНАР БЎЙИЧА КОНКУРС

Тошкент тўқимачилик комбинатининг комсомол-ёшлари орасида «Ўз касбининг устаси» деган шарафли номни олиш учун конкурс-мусобақа бошланди.

1-йигирув фабрикаси мусобақасида энг илғор йигирувчилардан В. Панарина, Н. Пушкина, В. Гончаровалар қатнашди. Улар шу куни бутун смена давомида маҳсулотларини ишга солиб меҳнат қилишди.

Бугун

ана шу конкурс натижалари кўриб чиқилади. Жюри аъзолари «Ўз касбининг устаси» номини Н. Пушкинага беришни лозим топишди. Конкурснинг 12-та шарти бўйича энг юқори кўрсаткични қўлга киритган бу қиз қимматбаҳо эсдалик буюми билан ҳам тақдирланди.

◆ *Ленинча меҳнат вахтасида*

Юбилей шарафига



Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ва беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан давом этаётган умумхалқ ҳаракатига пойтахтдаги 2-трамвай депоси коллективи ҳам қўшилган.

Депонинг ҳар бир ишчиси трамвайларни сифатли ремонт қилиш, олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Бунда айниқса, коммунист П. Толмачев ва В. Шабельников бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси ҳаммага намуна бўлмоқда. Бригаданинг 13 ишчиси коммунистчасига меҳнат қилмоқда. Улар профилактика ва ремонт цехлари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берадилар.

Бригада аъзолари беш йиллик план топшириқларини доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кун —1970 йил 22 апрелгача бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Депода асосий ҳал қилувчи участкалардан бири профилактика ва ремонт цехларидир. Бу цехга коммунистлар Қ. Назаров ва Н. Журавлевлар бошчилик қилмоқдалар. Меҳнатнинг тўғри ташкил қилинганлиги туфайли профилактика цехида бир кунда 113 та вагон мотори ва 68 та прицеп вагонлари сифатли ремонт қилиб чиқарилмоқда.

Социалистик мусобақанинг олдинги сафларида коммунистлар К. Солиҳов, Р. Раимов, Н. Қаюмов, С. Бакаев сингари ишчилар боришяпти. Улар ишлаш ва ишлашда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.



СУРАТДА: механика цехининг илғор ишчиси Зоир Ортиқов иш устида.
Текст ва фото **И. Парибоевники.**

БУНЁДКОРЛАР УЧУН

«Главташкентстрой» га қарашли барча трестларнинг инженер-техник ходимлари ва қурувчилари илмий-оммабоп ва техника фильмларидан юздан ортиғини томоша қилдилар. Бу фильмлар шу йилнинг 5 ойи мобайнида қурувчиларга кўрсатилди. Трестларнинг кино заллари да қурилиш индустриясидаги янгиликлар, сўнгги қурилиш машиналари, янги пардозлаш материаллари ҳақида бир қатор янги ҳужжатли фильмлар кўрсатилди. Бу фильмларни намойиш қилишни «Оргтехстрой» трестининг илмий-техника пропагандаси ва ахборотп бўлимининг инженерлари В. Тибеев ва Е. Дмитриенколар ташкил қилмоқдалар.

САВДО МАРКАЗИ

Бугун

Чилонзор массивининг 26-кварталида янги савдо марказини жиҳозлашга киришилди. Бу ерда маҳсулотлар қўйиладиган жавонлар, прилавкалар ва бир қатор техника воситалари ўрнатилмоқда.

Бир неча кундан кейин эшиклари кенг очиладиган бу савдо маркази аҳолига озиқ-овқат, саноат моллари билан савдо қилади.

Сўнгги машғулотлар

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-мактабда партия маорифи ўқуви, ҳар йилдагидек, бу йил ҳам жуда яхши йўлга қўйилди.

Бу ерда сиёсий маориф бўйича икки группа ташкил этилган бўлиб, биринчи группа философия курсидан таълим олди. Тўртинчи йил машғулот ўтказган бу группага пропагандист Сайфиддин Ғуломов бошчилик қилди.

Коммунист Сайфиддин Ғуломов йигирма бир йилдан бери пропагандистлик қилади. У бош бўлган группа тингловчилари доимо яхши ва аъло ўзлаштиришга эришадилар.

Яқинда С. Ғуломов группасида якунловчи машғулот бўлди. Унда мактаб директори Карим Расулов, партия ташкилотининг секретари Зирожат Ҳамидхўжаевалар иштирок этдилар. Пропагандист С. Ғуломов тингловчилар билан биринкетин суҳбат ўтказиб, уларнинг билимларини аниқлай бошлади. Ҳамма яхши ва аъло баҳога жавоб берди...

Пропагандист Чингиз Абдураҳмоновнч Назаров бошчилик қилган иккинчи группада ҳам якунловчи машғулот ўтказилиб, тингловчиларнинг билимлари аниқланди. 14 ўқитувчи сиёсий иқтисод курсидан яхши билим олганини кўрсатди.

Бу мактабда комсомол сиёсий маорифига ҳам алоҳида эътибор берилади. «Комсомол сиёсий маорифининг асосий вазифаси—ёшларга марксизм-ленинизм алифбесини ўргатишдан иборат бўлди, — дейди партия ташкилотининг секретари З. Ҳамидхўжаева, — бу вазифани коммунист Файзулла Расулов амалга оширди».

Бу мактаб ўқитувчилари марксизм-ленинизм таълимотини ўз ишларига ҳам муваффақиятли татбиқ этмоқдалар. Мактабдаги 1800 ўқувчидан фақат 25 таси бир ёки икки фандан кузги имтиҳонга қолди. Қолганлари эса тўлиқ ўзлаштиришга муваффақ бўлди.

Мактаб коллективи кузги имтиҳонларга қолган ўқувчилар билан ҳам алоҳида иш олиб бормоқда.

Меҳнат семестри бошланмоқда

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 450 студенти меҳнат семестрида Кемерово темир йўл қурилишида меҳнат қилиш истагини билдирдилар. Студентларнинг яна бир катта отряди Нукус қурилишларида ишлашга аҳд қилишди. Ташаббускорлар орасида журналистика факультетининг II курс студенти, факультет комсомол бюросининг аъзоси. Р. Фридинберг ҳам бор. У Кемерово темир йўл қурилишига бориб ишламоқчи.

— Ўтган йили қаерда ишлагансиз?

— Студентлар қурилиш отряди билан Новосибирскда бўлдим. Биз у ерда аҳоли учун уй-жой бинолари қурдик.

— Мен Нукус қурилишларида ишламоқчиман,— деб даврага қўшилди шарқ факультетининг форс бўлими студенти Сотиболди Мирзаҳмедов.

Университетнинг юзлаб студентлари ана шундай қарор қилганлар.

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО КУРСЛАРДА МАШҒУЛОТ ТАМОМ БЎЛДИ

Тошкентда раҳбар партия, совет ва газета ходимларини қайтадан тайёрлаш учун очилган республикалараро курсларнинг машғулотлари идеологияни ишни тажрибаларини айирбошлаш, Ленинниг ғоявий меросини пропаганда қилишга бағишланган назарий конференция билан тамом бўлди. Бу курсларда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон марказий ва область партия комитетлари пропаганда ҳам агитация бўлимларининг масъул ходимлари, шунингдек республика ва область газеталари редакторларининг ўринбосарлари, бўлим мудирлари ва масъул секретарлари бир ой мобайнида ўз билимларини оширдилар.

10 июнда ўтказилган якунловчи машғулотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Дунё хабарлари

БУ ЭНДИ ҚАЙТАРИЛМАСЛИГИ КЕРАК

ПАРИЖ, 11 июнь. ТАСС мухбири **А. Званцов** хабар беради:

Харбога айланган, тутун ва исдан қорайиб кетган уйлар, портлашдан омон қолган онда-сонда деворлар, синиб ва занглаб кетган фонарь устунлари—Орадур Сюр—Глан шаҳрининг манзараси ана шундай. Шаҳар шу вайроналигича абадий қолади. Бу гитлерчиларнинг Француз ерида қилган вахшийликлари ҳақида кишилар қалбида ўчмас хотира бўлиб қолсин учун шундай қарор қилинган. 700 кишидан иборат аҳоли яшаган бу тинч шаҳарга 1944 йил 10 июнда «Дас Рейх» дивизиясидан бўлган эсэсчилар отряди бостириб кирди. Фашистлар томонидан ишғол қилинган шаҳар аҳолисининг ҳаммаси бир неча соат ичида отиб ташланган. Шаҳарнинг ўзига ўт қўйилган. Енгиндан омон қолган бинолар портлатиб юборилган. Худди шу куни бундан 25 йил муқаддам жаллодлар қўлида 642 киши ҳалок бўлди. Уларнинг ичида 250 дан ортиқроғи болалар эди.

Фашизмнинг Франциядаги жиноятларини асдан чиқармаган Франция демократик жамоатчилиги Орадур жаллодларининг, чунончи, «Дас Рейх» дивизиясининг собиқ командири Ламмердингнинг жазога тортилишини талаб қилмоқда.

А. ПАНАГУЛИС ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

АФИНА, 10 июнь. (**«Известия»нинг махсус мухбири телефон орқали хабар беради**). Умр бўйи қамоққа ҳукм қилинган Александрос Панагулис 5 июндан 6 июнга ўтар кечаси турмадан қочган эди. У жандармерия офицерлари томонидан кеча яна қамоққа олинди. Панагулис Афинанинг аҳоли зич яшайдиган районларидан биридаги уйнинг тўртинчи қаватида кичкинагина хонада яширинган эди. Жамоат тартибини сақлаш министри Дзевелекоснинг ахборотига қараганда Панагулиснинг қамоқдан қочиши тафсилотларини текшириш давом этяпти. Панагулис билан турмадан бирга қочган қоровул ҳали ушланмаган.



ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.
СУРАТДА: Варшавадаги XVII асрнинг 2-ярмида барокко услубида қурилган ва поляк халқининг тарихий обидаларидан бўлган Красинский саройи.


БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг ишини зўр эътибор билан кузатиб турибдилар. КПСС делегацияси бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежневнинг кенгашда сўзлаган ва газеталарда босилиб чиққан нутқи жуда катта қизиқиш туғдирди. Ўзбекистон пойтахтининг ишчилари ва хизматчилари бу нутқда баён қилинган аниқ ва принципиал позицияни яқдиллик билан маъқулламоқдалар.

«Ташсельмаш» заводи пахта териш машиналари қисмларини йиғиш цехида катта мастер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов ишчиларга мурожаат қилиб бундай деди:

— Биз, ишчилар бутун дунёда империализмга қарши, тинчлик ва барча халқларнинг бахт-саодати учун курашаётган коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлигини мустаҳкамлашдек муҳим проблемани ҳал этишда кенгаш қатнашчиларининг муваффақиятга эришувини астойдил тилаймиз.

(ЎзТАГ).



Шаҳримизнинг эртанги жамоли

СУРАТДА: Тошкент яқинида бунёд этила бошлаган «Шимол» микрорайони 2-навбатининг макети. Яқин келажакда бу ерда кўпгина замонавий турар-жой бинолари, болалар муассасалари ва маданий-маиший объектлар бунёд этилади.

Монтаж бошланди

Шаҳримизда 1-қурилиш механизацияси трести коллективининг юзлаб механизаторлари муҳим қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ва ер қазиш ишларини олиб боришмоқда. Механизмлар иш унумдорлигини ошириш учун кўчма ремонт устахоналари ташкил қилинган.

Бугун 2-қурилиш бошқармасининг Рашид Яфоев бошлиқ минорали кран монтажчилари Шимоли-Шарқ массивидаги 12-уйда, Александр Сукачев бошлиқ бригада монтажчилари 1-уйсозлик комбинати қураётган уй-жой массивида минорали кранларни монтаж қилишга киришдилар.

Янги опалубка

«Оргтехстрой» трестининг механика-конструкция бўлими ходимлари 158-трест коллективи қураётган кўкрак хирургияси институти қурувчилари учун ёғоч ва металл қоришмасидан опалубка тайёрлаб бердилар.

Бугун институт қурилиш майдонида шундай опалубкалар ўрнатилмоқда. Бунинг натижасида анча маблағ тежалади ва иш суръати тезлашади.

Кавак бетонлар

«Оргтехстрой» автоматлаштириш бўлимининг инженер ва конструкторлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш йўлида баракали ишламоқдалар.

Бугун бўлим томонидан тайёрланган бетонни тешиш ва кавак қилиш установкаси синовдан ўтказилмоқда. Бу янгилик кўпгина бетонни тежаш билан иморатлар мустаҳкамлигини оширишда катта роль ўйнайди.

◆ *Шаҳримиз янгиликлари*

Қурувчилар совғаси

СССР қурилиш банкининг республика ва Тошкент область идоралари яқинда янги бинога кўчиб ўтди.

Пойтахтимизнинг Пушкин кўчасидаги 4-ҳунар-техника билим юртининг муҳташам биноси билан туташган етти қаватли бу бинонинг 2,3,4-қаватларини СССР қурилиш банкининг Тошкент область идораси, 5,6,7-қаватларини эса республика банки идораси эгаллади.

Банкнинг ана шу чиройли замонавий биносини тиклашда 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармаси бинокорлари жонбозлик кўрсатишди. Улар бу ерда яна бир объектни тезкорлик билан тиклаяптилар.

— Банк қурилишининг навбатдаги иккинчи объекти бўлган бу бинода,—дейди участка прораби Э. Вартазаров,— архив, диспетчерлик, операция зали, мажлислар зали ҳамда бухгалтерия жойлашади.

Объект қурилишини тезлатишда Т. Ҳасантўраев бошлиқ бригада дурадгорлари, М. Ляшченко бошлиқ комплекс бригада аъзолари, А. Рубровин етакчилигидаги арматурачилар ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.







МАРКАЗИЙ ПРОСПЕКТ ҚУРИЛИШИДА

ШАҲРИМИЗДА марказий Максим Горький кўчаси қурилиши бошланди. У Тошкентнинг энг катта ва обод кўчаларидан бири бўлади. Кўчанинг «Марказ—4» ва «Марказ—5» микрорайонларидаги бош трассасида дастлабки планлаштириш ва текислаш ишлари бошлаб юборилди. Қурилишда 90-механизациялаштирилган колонна йўл ишчилари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Яқин келажакда Максим Горький проспекти шаҳримизнинг чиройига чирой қўшади ҳамда транспорт қатновини нормаллаштиришда катта роль ўйнайди.

СУРАТДА: (юқорида) шу объектда бараканли меҳнат қилаётган экскаватор машинисти Димитрий Музиқантов ва Солиҳ Зариповлар. Улар сменада 420 ўрнига 700 кубометр тупроқ ишларини бажараётирлар. Қудратли йўл қурилиш техникаси тупроқ текислаш ишларини олиб бормоқда (ўнгдаги ва пастдаги суратлар).

М. Нуриддинов. фотолари.

Ҳамиша йўлда

ЙЎЛЛАР, йўллар.. Ўзининг 60 йиллик умри мобайнида Виктор Павлович Речкин бу йўлларни озмунча кезиб чиққани йўқ. Автомобиллар ўзгариб янада такомиллашди, моторларининг қуввати ошди. Шунда ҳам Виктор Павлович машина ҳайдашни давом эттирди. У ҳозир қудратли «ЗИЛ—130» самосвалини ҳайдаётган бўлса ҳам биринчи беш йилликлар даврида бошқарган дастлабки совет автомобили ҳали ҳам ёдидан чиқмайди.

Виктор Павловичнинг таржимаи ҳоли у билан тенгдош бўлган авлод учун типикдир. У бешинчи синфни битиргач ҳунар-техника мактабига ўқишга кирди. Кейин чегарада хизмат қилди. Шу ерда, заставада уни партияга қабул қилишди. Коммунист деган муқаддас номни Виктор Павлович бир умр улуғлаб келяпти...

Урушнинг дастлабки кунларидан фронтга кетди. Ғалабадан кейин уни Тошкентга юборишди ва шу ердан истеъфога чиқди. Сўнгра эса ўз онласи билан Ярославлга кўчиб борди, автозаводда ишлади.

Шунда ташвишли хабар бир зумда шимолдаги шаҳарга ҳам етиб борди: Тошкентда зилзила бўлибди! Виктор Павлович ёши ўтиб қолганига қарамасдан биринчилар қаторида вайрон бўлган шаҳарни тиклагани келди: Қадрдон шаҳрида қурилиш кенг миқёсда олиб борилаётганлигини кўрди.

— Қойил, тошкентликлар! — деб кўнглидан ўтказди у. — Ҳарбийча матонат кўрсатибсизлар...

Тошкентда унга Ярославл қурилиш-монтаж поезди автоколоннасига раҳбарлик қилишни ишониб топширишди. Кундалик ташвиш билан бўлиб, Виктор Павлович пенсияга чиқадиган вақти келиб қолганлигини ҳам сезмай қолди. Лекин у пенсияга чиқишга чиқди-ю, уйда ўтиролмади. Яна машина рулига ўтирди.

...Тонг отиши билан Речкин машинаси томон шошиларди. У одис манзилларга боришни уфққа туташиб кетган йўлларда юришни яхши кўради. Унинг машинасини жала уриб, қор ёғиб турганда ҳам, кун чўгдек қизираётганда ҳам, Чимкент, Чирчиқ ва Янгийўлга, Сирдарё карьерига олиб борувчи йўлларда кўриш мумкин. Шофёрнинг катта тажрибаси рейсни яхши ташкил қилиш имкониини беради. Виктор Павлович сўз берса, қандай бўлмасин унинг устидан чиқишга ҳаракат қилади.

Жумладан, ўтган қишда ҳам шундай бўлган эди. Уйлар томига ёпиш учун аглопарит керак бўлиб қолди. Лекин қор, совуқ ва муз уни олиб келишга ҳалақит берарди. Лекин шунга қарамасдан Виктор Павлович Олмалиққа боришга рози бўлди. Рейсларнинг бирида қор уюми машина йўлини тўсиб қўйди. Совуқ юзни яларди, кўз ҳам чарчаганди. Йўлда биронта ҳам одам кўринмайди. Виктор Павлович олти соатга яқин табний офат билан курашди ва... ғалаба қилди. Аглопарит ўз вақтида етказиб келтирилди.

Речкиннинг камтарлиги ва оддийлиги кўпчиликка ёқади. Мен ундан ўзи ҳақида гапириб беришни сўраганимда шундай деди:

— Эл қатори ишлаяпман. Қаёққа юборишса, ўша ёққа бораман. Коммунистлик бурчим шуни талаб қилади.

Олган мукофотлари, фахрий ёрлиқлари ва ташаккурномалари, ҳамкасб дўстларининг фикрлари унинг Ярославл қурилиш поездининг илғор ҳайдовчиларидан эканлигини кўрсатиб турибди. Коллективда фахрий «Тошкент бинокори» нишонини кимларга бериш ҳақида маслаҳат бўлганда Виктор Павлович Речкининг номи биринчилар қаторида тилга олинди.


Навбатдаги рейсдан қайтганда мен яна у билан учрашдим. Оқшом пайти эди. Виктор Павлович машинасининг капотини очиб, нимадир қилаётганди...

— Яна йўл бўлсин, Виктор Павлович?

— Чирчиқ айқиряпти, бир соатдан кейин ўша ёққа бориш керак. Сув чиқмаган, машина юриши мумкин бўлган жойни белгилаб келаман. Эртадан шагал ташишни бошлаймиз.

...Яшариб, гўзаллашиб кетган шаҳримизнинг кишилари! Жонажон шаҳримизнинг қайтадан бунёд қилинишида қалб қўри, пешона терини аямаган кишиларни унутманглар.

В. СУХОТЕРИН.



Ўзбекистон Фанлар академияси кимё институтида кенг кўламда комплекс илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТДА: институт олими химия фанлари доктори А. Тожиев халқ хўжалигида қотишма ёқилғилардан фойдаланиш ва уларни кимёвий усул билан қайта ишлаш жараёни устида илмий иш олиб бормоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ОЛИМЛАР СЎҚОҚДА

Яқинда бир группа олимлар ўзининг хушманзара табиати билан оғизга тушган Сўқоқ қишлоғига ташриф буюришди. Калинин номли колхоз меҳнатчиларининг меҳмони бўлишди. Сал ўтмай, колхоз клуби одамларга лиқ тўлди. Тошкентнинг кўзга кўринган атеист - лекторлари: ТошДУ ўқитувчиси фалсафа фанлари кандидати М. Далиев, Тошкент халқ хўжалиги институтининг ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати М. Содиқов, химия фанлари кандидати А. Абдураҳмонов. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси М. Мирпўлатов ва бошқа ўртоқлар «В. И. Ленин — меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш тўғрисида», «Янги анъаналар ва эски урф-одатлар». «Муқаддас жойлар тўғрисида» деган мавзуларда лекциялар ўқиб, йиғилганлар олқишига сазовар бўлдилар.

• *Газета ва газетхон*

БЕҒАМЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА...

Шу кунларда йилнинг иккинчи ярми учун газета-журналларга обуна тўпланмоқда. Бу соҳадаги ишларни ташкил қилиш мақсадида қайси ташкилотга борганг обуначиларнинг таъналарини эшитасиз. Хўш нима гап ўзи?

Зилзиладан сўнг шаҳримиз янги турар-жой массивлари ҳисобига анча кенгайди. Бешқайрағоч, «Партия XXII съезди» каби масс и в л а р бунёдга келди. Бу жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш учун магазинлар ва алоқа бўлимлари бунёд этилди. Биз ана шу алоқа бўлимларининг аҳолига қандай хизмат қилаётгани ҳақида бир неча сўз айтмоқчимиз.

«Союзпечать» га Октябрь районидаги 124-мактабдан хабар келди. Унда 70 дан ортиқ ўқувчининг ўзлари ёзилган газета-журналларни ололмаётгани айтилган эди. Мактаб маъмурияти бу аҳволга чек қўйиш мақсадида 132-алоқа бўлимига шикоят хати йўллаган.

Алоқа бўлимининг бошлиғи Аббос Иноятов эса хат келтирган ўртоққа дўқ қилиб айб ўзларингда, квитанцияни чатоқ ёзгансизлар!» — деган. Текширишда 70 обуначи ўқувчидан фақат 15 тасининг адреси нотўғри ёзилгани аниқланди. Хўш, қолган 55 ўқувчи газета-журналларни нега ўз вақтида олмаяпти? Бунга ҳурматли Аббос Иноятов нима деркан?!

Биз 132-алоқа бўлимида бўлганимизда 350 пусхадан ошиқ турли хил газеталар шкаф устида сочилиб ётганини кўрдик. Шундан 167 нусхаси «Тошкент оқшоми» эди. 7—19 май кунлари Чиқарилган бу газеталар ўз обуначиларига етиб бормай, шу ерда қолиб кетибди. Сир очилгандан кейин алоқа бўлимининг бошлиғи А. Иноятов ўнғайсиз аҳволга тушиб, турли важ кўрсатишга ўтди. 1 майдан бошлаб 151-алоқа бўлимига қарашли Қурилиш кўчасидаги хонадонлар бу бўлимга ўтказилиб, почтальон бўлмагани сабабли 20 кунлик газета эгаларига етказилиб берилмаган эмиш.

Айтишларича 132-алоқа бўлими ташкил бўлгандан бери бу ерда бирор кун ҳам нормал иш олиб борилгани йўқ. Ҳар куни қанчадан-қанча обуначи ўз газета-журналларини ололмай шикоят билан келганини кўрасиз.

Х. Аъзамова бошчилик қилаётган 133-алоқа бўлимида ҳам аҳвол ана шундай. Бу почтага «Самообразование» журналининг 4-сонидан янглишиб 10 нусха ўрнига 44 нусха юборилган экан. Алоқа бўлими бошлиғи Х. Аъзамова бу ортиқча журналларни экспедицияга қайтариб юбориш ўрнига, шу кунгача сақлаб турибди.

Кези келганда яна бир масалада ўз фикрларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Маълумки, 30 мингга яқин газетхон «Тошкент оқшоми» ҳамда «Вечерний Ташкент» га обуна бўлган. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига қарашли газета-журнал тарқатиш экспедицияси «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини ҳар куни босила бошлаши билан энг аввал (соат учларда) почтамтга беради. (Кечки газеталарни обуначиларга шу куниёқ етказиб бериш учун шундай қилинади. Афсуски, кўпчилик алоқа бўлимлари (масалан, 25, 59, 52, 112, 57) бу газеталарни чиққан кунининг эртасига обуначиларга элтиб бермоқда. Тошкент почтамти раҳбарлари ва район алоқа узели бошлиқлари эса жойлардаги алоқа бўлимлари устидан етарли назорат олиб бормаётирлар.

Киров районидаги Янгиариқ маҳалласида истиқомат қилувчи биология фанлари кандидати А. Обиджонов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Насим Хошимов Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Илёс Акбаров ўртоқлар «Союзпечать» бошқармасига хат ёзиб, 57-алоқа бўлимининг почтальонлари бирор кун ҳам оқшом газеталарини ўз вақтида олиб келишмаганини маълум қиладилар.

Юқоридаги фактлар шаҳар почтамти ва район алоқа узеллари матбуотни ўз вақтида обуначиларга элтиб бериш борасида жиддий чора-тадбирлар кўрмаётганлигини кўрсатиб турибди. Бунинг натижасида, обуначиларни ранжитадиган кўнгилсиз ишлар содир бўлмоқда.

Шаҳар почтамти ва район алоқа узели раҳбарлари ўз ишларидаги бундай камчиликларни тезлан бартараф қилишлари зарур.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Республика «Союзпечать» бошқармасининг старший инспектори.

МОДЕЛЧИЛАР

БОТАЁТГАН қўёш нурлари деразадан тушди-ю, ватман қоғози устидаги чизиқларни ярақлатиб юборди.

Чизма қаршисида турган қиз нохушлик билан қовоғини солди. Рафаил Муҳамедович жилмайганича унинг ёнига келди. Албатта, у ҳали ёш. Ишни яхши билмайди. Лекин чеҳрасидаги жиддийлик қизни катталардек қилиб кўрсатади.

— Нима, Люба, адашдингми?— деб сўради у практикантдан. — Ёрдам берайми?

Қиз ийманиб бошини қўйи солди.

—Яхши чиқмаяпти... Майли, Рафаил Муҳамедович, овора бўлманг, ўзим тўғрилайман...

Дусалимов қизнинг ёнидаги стулга ўтирди.

У чўнтагидан конверт олиб очди-да, икки қоғоз тасма чиқариб, бир-бирига улади. Колотка контурлари пайдо бўлди.

— Бунинг ҳеч қанақа сири йўқ, Люба. Бу лекалани Москвадаги «Париж Коммунаси» пойафзал фабрикасида ишлайдиган Екатерина Александровна Вавилова юборган. У ўзимизда ишлайдиган моделчи Юсованинг опаси бўлади. Шунга қараб, 1-пойафзал фабрикасида практика ўтаяпти. Қиз Надежда Александровна Юсовани айниқса ҳурмат қилади. Чунки бу аёлнинг ота-онаси ҳам, опаси ҳам — барчаси пойафзалчилар. Улар Иттифоқда энг сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган «Париж Коммунаси» фабрикасида механик қилади. Этикча замонавий модага мос келади. Уни янада янгилаш ниятимиз бор.

У қалам билан қоғозга чиза бошлади. Шу ондаёқ янги модел линиялари пайдо бўлди.

«Бирам чаққон ишлайдики», деб ўйлади қиз.

Мана, уч ойдирки биз ҳам баланд пошнали аёллар этигини чиқарадиган бўлдик. Этикча замонавий модага мос келади. Уни янада янгилаш ниятимиз бор.

У қалам билан қоғозга чиза бошлади. Шу ондаёқ янги модел линиялари пайдо бўлди.

«Бирам чаққон ишлайдики», деб ўйлади қиз.

Мана, уч ойдирки биз ҳам баланд пошнали аёллар этигини чиқарадиган «Париж Коммунаси» фабрикасида механик қиладилар. Надежда Александровна ўз корхонасида янги моделлар яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Юсованинг эри Владимир Дмитриевич ҳам моделчи. Хотини билан ёнма-ён туриб ишлайди. Яхши мутахассис. Рафаил Муҳамедович у билан тез-тез маслаҳатлашиб туради. «Пойафзал — 69» Халқаро кўргазмасига юборилиши мўлжалланаётган пойафзал моделларини тайёрлашга айниқса қизғин киришиляпти.

Кундардан бирида Люба тажриба цехига кириб қолди. Бу ерда алоҳида бир хонада 100 жуфтга яқин пойафзал ажратиб қўйилган экан. Булар кейинги пайтда ишлаб чиқилган, аммо ҳали сотувга чиқарилмаган дастлабки тажриба пойафзаллари экан. Улар Бутуниттифоқ енгил саноат маҳсулотлари ассортименти институтининг Бадиий Советида баҳоланиши керак.

Модел цехида фақат оёқ ва қоғоз билангина эмас, ҳар ким ўз фантазияси билан ҳам ишлайди. Тажриба цехида эса фантазия ҳаётга кўчирилади. Практикант қиз гўзалликнинг амалга ошиши учун фантазиянинг ўзи ҳам гўзал бўлиши кераклигини тушунади. Шунинг учун ҳам у ишга ҳаммадан илгарироқ келиб, кейинроқ кетади. У ўз диплом ишидаги кўп нарсаларни рад қилиб, янгиликлар қўшмоқда.

Фабриканинг бош моделчиси енгил саноат техникуми дипломантининг ижодий изланишини кузатар экан, Люба Полетьевадан яхши моделчи чиқади деб ишонади. Унинг қўл остида практика ўтаётган бошқа беш қиз ҳам доим изланишда. Улар келажакда яхши мутахассис бўлиши мумкин. Бунинг учун эса муттасил кўмак бериш керак.

В. ЛАПИНА.

БОЛГАР ДЎСТЛАР БУЮРТМАСИ

Май ойида планга қўшимча 15 минг сўмлик пахтачилик учун турли хил техника ускуналари ва эҳтиёт қисмларни реализация қилган «Узбекхлопкомаш» заводининг коллективи ленинча меҳнат вахтасини давом эттирмоқда.

— Коллектив июнь ойида Болгария Халқ Республикаси учун «ЗХДД» маркали тола ажратувчи машиналар тайёрламоқда. —дейди завод план ва иқтисод бўлимининг бошлиғи Г. Губайдуллин.

Тошкентдаги пахтачилик машинасозлиги заводлари деҳқонларни қишлоқ хўжалик машиналари билан кўпроқ таъминлаш ва техникани такомиллаштириш учун қураштаётган бир пайтда «Узбекхлопкомаш» заводининг меҳнат аҳли ҳам пахтачилик саноатининг техникага бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш йўлида куч ғайрат сарфлаяпти.

Ўтган ойда товаб маҳсулот ишлаб чиқариш планининг ошириб бажарилганлиги, пландан ташқари 4 та момиқ ажратиш, 18 та пахта тозалаш машинаси ва 15 та транспортёр тайёрланганлиги бунинг исботидир.

Темирчи О. Акрамов, штамповкачи Л. Кранопера, токарлардан Н. Косьяненко, В. Шалов, Т. Манолис, А. Пирмуҳамедов ҳамда А. Мирқозиев бошлиқ слесарлар бригадаси коллектив ўртасида социалистик мусобақа пешқадами бўлмоқдалар. Бу илғор ишчилар ҳозир болгар дўстлар буюртмасини бажаришмоқда.



Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг ишчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб, фидокорона ишлаётирлар.

СУРАТДА: корхонанинг оператор ларидан М. Қўрғонбоева, П. Тунисова ва Г. Нурматова ўртоқлар. Булар ўз шахсий беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилишган.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

МАШИНАСОЗЛАР — ҚУРУВЧИЛАРГА

В. И. Ленин Марказий музейи филиалининг қурувчилари доҳийнинг юз йиллик юбилейига тухфа этиш учун суратни тобора жадаллаштирмоқдалар.

Темир устунлардан тикланган музей биносининг деворлари замонавий техника индустрияси ёрдамида металл, ўйма ганч, мозаика, мармар каби тоғ жинсларидан ишланади.

Бадиий безакларни ишлашда «Ташсельмаш» заводининг коллективи қурувчиларга катта ёрдам берди. Қуювчилар алюминийдан махсус қуймалар тайёрлаб беришди, асбобсозлик цехининг станокчилари ва слесарлари қуймаларга диққат билан ишлов беришди.

Коммунист ишчилардан каруселчи Э. Отаев, слесарь В. Коченов, фрезерловчи П. Чернишев, С. Яшченко ҳамда асбобсозлик цехининг станокчиларидан И. Жарков, Г. Федорос, слесарь А. Антимоновлар зўр ғайрат билан ишлаб, қурувчилар буюртмасини муддатидан беш кун олдин адо этдилар.

• *Танишинг, ҳамшаҳарингиз*

«СИЗ МЕНИНГ ҲАЁТИМСИЗ!..»

«Ҳурматли редакция! Мен Тошкент шаҳар Қоратут кўчаси, 1- тупик, 12-уйда тураман. Болаларим набирларимдан нолийдиган жойим йўқ. Ҳаётимиз тўкис. Иссиқ жон экан. Бир кам 60 ёшимда қон босими ортиши дардига мубтало бўлдим. Тошкентдаги 17-шаҳар шифохонасига боришни маслаҳат беришди. Қўли дард кўрмагурлар 18 кунлаёқ аслн ҳолимга келтиришди. Ҳозир, илгаригидан ҳам бардамман. Менга қайта ҳаёт бахш этган меҳрибон шифокор қизларим Бория Маҳкамова, Мафтуҳа Каримова, Ҳакима Одиловаларга газетангиз орқали чексиз миннатдорчилигимни изҳор қилсангиз!

Маҳбуба ТУРСУНОВА,
кўп болали она.

Хатлар! Нақадар самимий, илиқ бу хатлар. Уларни ўқисангиз, шифо топган кишиларнинг қайноқ қалбидан чиққан миннатдорчилик сўзлари сизни ҳам беихтиёр тўлқинлантиради.

Бундай хатлар ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Республикамиз пойтахтидаги 17-шаҳар шифохонасининг биринчи ички касалликларни даволаш бўлими адресига ана шундай хатлар қўплаб келиб туради. Бу хатларнинг кўпчилигида бўлим бошлиғи Бория Маҳкамова, ҳамшира Мафтуҳа Каримова, Ҳакима Одиловаларга таҳсинлар ўқилади.

Бўлимда илғари барча ички касалликларни даволанарди. Касалхонада терапевтика бўлимлари сони ошгач, биринчи бўлимга юрак касалликларини муолижа қилиш вазифаси юкланди. Шунинг ўзи ҳам Бория опа бошлиқ шифокорлар коллективига билдирилган юксак ишонч ифодасидир.

Биз, бўлимда бўлганимизда иш соати тугаган, Бория опа навбатчи ҳамширага тегишли топшириқлар топшириб, жўнашга чоғланиб турган экан. Унинг ҳорғин кўзларига бокиб, бу ердаги ишнинг нақадар оғир ва мураккаблигини ҳис қилдик. Ҳаммаёқ тинч, осуда. Коридор ва ҳоналар ёғ тўкилса ялагудек озода... Бория опа билан шифокорлар хонасида энди сухбат қўрган эдик, телефон жиринглаб қолди. У трубкани олди, Нима бўлди - ю, бирдан унинг авзойи ўзгарди. Тимқора кўзлари хиёл каттаяшиб, юпқа лабларида ёнгил титроқ пайдо бўлди. У телефон трубкасини қўйиб шахт билан ўрнидан турди. Биздан узр сўраб ташқари чиқди. Бўлимдаги беморларни қабул қилиш пунктида аллақандай ташвишли гаплар эшитилди. Чиқдим. Беморлар замбилида бехуш аҳволда ётган қонсизлашиб турадиган беморлар ҳаётини сақлаб қолди. Эҳ-ҳе, уларнинг қайси бирини айтиб улгурасиз...

Б. Маҳкамова Тошкент медицина институтининг даволаш факультетини тугатиб, бир неча йил Қуйи-Чирчиқ районига қарашли Салдатское посёлкасидаги қишлоқ касалхонасида ишлади. Бу ерда барча касалликларни даволашга тўғри келди. Шунда севимли домласи ва биринчи устози, медицина фанлари доктори Мунира Турсунхўжаевани сўзларига амал қилди. «Беморга шифо бахш этишнинг гарови — энг аввало, унинг ишончини, эътиқодини қозонишда, — деган эди у. — Касалликлар турн бўйича тавсия этилган дориларга ҳуда-беҳуда ёпишишнинг фойдаси йўқ».

Бория опа 17-шаҳар касалхонасида ишлаётганига 4 йил бўляпти. У фидокорона меҳнати туфайли республика соғлиқни сақлаш аълочиси нишони билан тақдирланди. Ўтган йил у Бутуниттифоқ ички касалликлар мутахассисларининг Москвада чақирилган кенгашида қатнашиб, у ерда кўп янгиликларни билиб қайтди. Бу янгиликларни ўз бўлими фаолиятида тадбиқ этишда жонкуярлик қилаётир.

Касалхонада Бория опанинг қўлида камолотга эришган шифокорлар 20 дан ошади. Узоққа бормайлик, шу бўлимда ҳозир малакали ҳамшира бўлиб ишлаётган Мафтуҳа Каримова, Ҳакима Одилова, Риҳсихон Эгамбердиева, Лобархон Гозиева, Маҳбуба Раҳимовалар ҳам илғари оддий санитар ҳисобланишарди. Бория опанинг оқил маслаҳатлари, ўгитлари ва кўрсатган бебаҳо ёрдами туфайли улар шифокорлар сафидан муносиб ўрин олишди.

Бория опа Маҳкамова олдимизга бир тўп хат қўйди. Уларни бир-бир ўқир эканмиз, кўзимиз илк бор шу сўзга дуч келарди: «Сиз менинг ҳаётимсиз!..».

Ҳ. ҚОДИРОВ.



Тошкентдаги «Хлопкоприбор» давлат конструкторлик бюросининг ихтирочилари «Ташгидрометприбор» заводи ишчилари билан ҳамкорликда пахта, каноп ва ипак толаларининг сифатини аниқлайдиган «Уз-7М» приборини яратдилар. Ҳозир завод бу приборларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди.

СУРАТДА: Синовчи контролёр Люсьен Тимуск янги приборни текширмоқда.

ДИЛКАШ ОҚШОМ

Алишер Навоий номидаги район маданият уйининг катта зали шинам қилиб ясатилган. Тикув-бичув тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган турли буюмлар кўргазмага тартиби билан қўйилибди. Улар орасида доҳий В. И. Ленин расми туширилган чиройли кашталар, ҳар турли ипаклар билан тикилган ранго-ранг гулбезаклар бор.

Бу ерда доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган кеча ўтказилмоқда. Кечага 82-ўрта мактабдан, «2-беш йиллик» маҳалласи ва бошқа маҳаллалардан юзлаб меҳмонлар келишган.

Доҳийга бағишланган бу кечани Чилонзор район маданият уйи директори Ф. Хўжаева очди.

Кекса коммунист ўртоқ Бобоев сўзга чиқиб, ўзининг унутилмас хотираларидан гапириб берди.

Маданият уйининг тикув-бичув тўгараги раҳбари Ш. Қодирова чевар қизлар тайёрлаган буюмлар ҳақида гапириб берди.

Дилкашлик ва қувноқлик билан ўтган кеча охирида маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари - катта концерт қўйиб беришди. Концертда доҳий Ленин, она-Ватан, партия ва меҳнат илғорлари ҳақидаги қўшиқлар янгради.



Тошкент Давлат консерваторияси Ўрта Осиё республикалари учун санъаткорлар тайёрловчи йирик илмий марказдир.

СУРАТДА: вокал факультет педагоги Лариса Сонбова ва концертмейстер Галина Баранова II курс студентлари билан машғулот ўтказаётир.

М. Нуриддинов фотоси.

«Ҳозирги ёшлар, илгариги ёшлар эмас...»

Педагоглар ва ота-оналар ўсмирнинг характерига калит излашади. Бунда кўпинча уларнинг беодоблигидан, сусткашликлари ва ўзбошимчаликларидан нолишади. Ёки қисқача қилиб «Ҳозирги ёшлар илгариги ёшлар эмас...» деган гапни айтишади.

Нима ҳам дердик, агар мази чақилса, эскидан қолган, лекин аслида ҳамма даврда ҳам такрорланиб келаётган бу гап бир ҳисобда тўғри ҳам. Ёшлар ҳақиқатда ҳам «илгариги», биз эслайдиган ёшликдан фарқ қилишади. Бу — ҳаётий қонуниятдир. Ҳар бир янги даврда ёш авлоднинг ривожланиш характери, суръати ва шароити ўзгаради. Тарбиявий ишларимиздаги кўп ҳолларда муваффақиятсизликлар ҳозирги замон ўсмирининг психологиясини билмасликдадир.

... Бундан икки йил аввал ўзига хос тажриба ўтказилди. Анкета ва викторина йўли билан юқори синфларнинг улгураётган ўқувчилари ва уларнинг ўқитувчилари билан фан, техника, спорт мавзуида суҳбат ўтказилди. Ўқувчиларнинг 60—70 проценти ўз муалимларига нисбатан кўпроқ нарсани билишлари маълум бўлди.

Бу ерда биз икки сабабни кўрамиз: биринчиси кейинги 20 йил мобайнида информацияларнинг умумий миқдори (радио, телевидение, кино, матбуот, товуш ёзиб олиш) тўрт мартадан кўпроқ ўсганлигидадир. Чиндан ҳам, бундан ўн йил муқаддам мен ишлаган мактабда фақат икки-уч боланинг уйида телевизор бор эди. Ҳозир телевизор қарийб ҳамма уйда бор. Биз 1965 йилда Москвадаги 154-мактабнинг юқори синф ўқувчилари билан мактабдан ташқари вақтни қандай ўтказаётганликларини хронометраж қилганимизда, болалар ҳафта мобайнида зангори экран олдида беш ярим соатдан тўққиз соатгача ўтиришлари маълум бўлди.

20 йил мобайнида ёш ўқувчилар орасида кенг оммалашган нашрлар тиражи ошди. Жумладан, «Наука и жизнь» журнали (етти марта), «Знания и сила» (ўн марта), кўп босиб чиқариляпти. Икки ярим миллион нусха «Техника молодёжи», «Юный техник», «Моделист-конструктор» журналлари ва бошқалар нашр қилиняпти.

Ўсмирларнинг интеллектуал ривожи тезлашувининг иккинчи сабаби жинсий етилишни (акселерация) тезлашганлигидадир. Бу улар орасидаги алоқани активлаштиради, анча эрта вояга етиш билан боғлиқ бўлган қизиқишларнинг юзага келишини жадаллаштиради.

Яна бир процесс аниқ маълумдир. Ўқув китоби, ўқитувчи, дарс илгари билимнинг бирдан-бир манбаи эди, эндиликда эса ундай эмас. Маълумотнинг ҳажми ва замонавийлиги нуқтаи назаридан педагогларнинг ўсмирлар олдидаги устунлиги сезиларли даражада пасайди. Бу педагогнинг дастлабки обрў даражасини ҳам анча ўзгартиради, ўқувчининг дарсдан ташқаридаги ҳаёти аҳамиятини оширади.

Мантиқан олиб қараганда, ўсмирнинг анча тез интеллектуал етилиши бир қарағанда уларнинг социал ривожланишини ҳам тезлаштириши керакдай кўринади. Аслида эса болалик қисқармасдан баъзида чўзилиб кетаётганга ўхшайди.

Социал ва маънавий етуклигининг моҳияти, умуман билимда жамият ҳаёти жараёнларини тушуниш, ўсмирнинг жамият ишлаб чиқаришига муносабатидагидай даражада ифодаланмайди. Мактаб, оила, бутун совет воқелиги болалар ва ўсмирларда юқори ахлоқий сифатларни шакллантиряпти. Биз ёш авлоддаги умумий ватанпарварлик намуналари, гражданлик масъулиятидан фахрланишга ҳақлимиз. Бироқ ёш авлод тарбиясида уни дастлабки йилларидан бевосита меҳнатга тортиш керак. Ҳусусан, ўсмирнинг имконига қараб меҳнат қилиш унинг маиший аҳтиёжининг бир қисмини қоплаши лозимлиги ҳақида ўйлаш ғоят муҳимдир.

Ҳозирги мактаб болалари эса (айниқса шаҳарда), меҳнат мажбуриятларидан озод қилинган кўпгина студентлар ҳам ўз ота-оналари томонидан талаб ва ҳаттоки эркаликлари сўзсиз қондирилишини одатдаги нарса деб тушунадилар. Қизимизнинг оллида ўсмирлар учун моддий бойликларнинг қадрсизланиши юз беряпти. Улар меҳнат натижаларини меҳнат билан жуда кам боғлаяптилар. Ёшлар учун иқтисодий мустақиллик олий ўқув юртлари, Армия ва ҳаттоки дастлабки меҳнат йилида бир чекка суриб қўйилади. Бизнинг кузатишимизча, болаларнинг харажати ота-оналарнинг даромадидан тез ўсиб боряпти ва у тобора оила бюджетининг кўпроқ қисмини ташкил қиляпти. Масалан, ишчи ва хизматчиларнинг реал даромади (ҳар бир ишловчи ҳисобига) 20 йил мобайнида анча сезиларли — икки ярим баравардан кўпроқ ўсди, ҳар бир саккизинчи синф ўқувчисига кетадиган ҳаражат эса бу вақт мобайнида 3—3,5 баравар, 9—10-синфда ўқийдиган қизларга кетадиган ҳаражат эса қарийб беш баравар ўсди! Эътибор беринг: болалар кўпинча ота-оналаридан яхши кийинадилар. Бир сўмни қандай ишлаб топиш мумкинлигини билмаганлари ҳолда, уларнинг кўпларида фотоаппарат, транзистор, магнитофонлар бор.

Албатта, агар ўсмирнинг тарбияси бу фаровонликка тузатиш киритса, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги ўсиб бораётган қарама-қаршиликни бартараф қилса, ўзини кўрсатиш истаги билан ёшликнинг ўйнашни энергиясини ва ҳали мажбуриятларга тўла бўлмаган — ўқишдан ва фақат ўқишдан иборат бўлган ҳаётини ишга сафарбар қилса, бунинг ҳеч бир қўрқинчли томони йўқ.

(Охири тўртинчи бетда).

ТОШКЕНТИМИЗ БОҒ БЎЛСИН

Ҳалқимизда яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ деган гап бор. Ота-боболаримиз ҳовлисига ҳам, эшигининг тагига ҳам бир туп ёнғоқ ёки ақалли тўрт туп олча экканлиги бежиз эмас. Бундай одат ҳамма халқда бор. Яқинда катта неварам Югославияга бориб келган эди. Қизиқ гап топиб келди. У ерда беш юз йилдан буён анъана тусига кириб қолган одат бор экан. Ҳар бир йигит камида 70 туп дарахт кўкартириши керак экан.

Шаҳримиз кундан-кун обод бўляпти. Чилонзорда, Сергелида хуллас ҳамма ерда қатор-қатор уйлар қад кўтаряпти. Янги-янги кўчалар очиляпти. Аммо битта нарса кўнгилни хира қилиб турипти: дарахт кам. Борлари ҳам қуриб кетяпти.

Баъзи газеталарда фалон ердаги чўл ўрнида бутун бир шаҳарча пайдо бўлди, фалон ердаги қамишзор ўрнида янги уйлар қад кўтарди, деган гаплар учраб қолади. Чиндан ҳам Тошкент кейинги тўрт-беш йил ичида бекиёс ўзгарди. Зилзиладан кейин ўттиз уч йил ичида қурилган биноларнинг ўзи бутун бир шаҳарга тенг келади. Лекин улар чўл-биёбон устида қад кўтарди дейиш ёлғон. Бу бинолар қад кўтарган жойларнинг кўпи узумзор, олмазор, ёнғоқзор боғлар эди. Ҳозир эса улар йўқ бўлиб кетди ёки йўқ бўлиб кетяпти. Дуруст, уй қуриш учун қайсидир дарахтни йиқитиш керак. Кўча ўтказиш учун ҳам шундай қилиш керак. Лекин бинолар ўртасидаги майдонларда ўсиб ётган дарахтларни қийратиш инсофдан эмас.

Узингиз ўйланг, ҳозир юз хонали битта уй нари борса уч-тўрт ойда битиб турипти. Битта дарахтнинг вояга етиб, мева ёки соя бериши учун неча йил керак? Камида бир йигит умри кетмайдими?

Ҳисобдан адашманг

Дунёда ҳеч нима йўқ бўлиб кетмайди. Бузилган иморатнинг ўрнига янгиси қурилади. Қўпорилган дарахтнинг ўрнига янги кўчат ўтқазилади.

Ҳар йили радиодан тортиб газеталаргача «Бу йил шаҳримизда фалон минг тўп дарахт кўчати ўтқазилди» деб маълум қилишади. Шу йил кўкламда ҳам шаҳар бўйича 351 минг 323 туп дарахт, 956 минг 667 туп ҳар турли ниҳоллар ўтқазилди. Агар ҳар кўкламда, ҳар кузда шунчадан кўчат ўтқазилса Тошкент аллақачон боққа айланиб кетарди. Лекин биз бундай маълумотлар берилаётган пайтда ҳисобдан адашиб кетамиз. Йилига қанча туп кўчат ўтқазилганини ҳисобга оламиз-у, қанчаси қуриб қолганини ҳисобламаймиз.

Қайси куни Октябрь районига бориб қолган эдим. Усмон Юсупов кўчасининг янги кварталлар томонига ўтқазилган кўчатлар ковжираб қолибди. Бир вақтлар бу ерларда каталак ҳовлилар бўларди. Лекин ҳар бир ҳовлида поакал бир туп ток ўсиб ётарди. Ҳозир муҳташам бинолар қад кўтаргач. Аммо ниҳоллар қуриб ётипти.

Марказ-1, Марказ-2, 3, 4, 5, кварталларида ҳам аҳвол шу.

Студентлар шаҳарчасида киши ҳамомга тушганда бўлади. Тўғри, энг замонавий усулда қурилган ўқув корпуслари, қулай ётоқхоналар бор. Аммо боғ йўқ. Талабалар бир нафас ҳордиқ чиқарадиган, ўтириб дарс тайёрлайдиган жой йўқ.

Чилонзор районида ободонлаштириш соҳасида кўп ишлар қилинаяпти. Чилонзорликларнинг яқинда бошлаган ташаббусига ҳамма қўшилганлиги бежиз эмас. Лекин бу ерда ҳам кишининг юрагини ўртаб юборадиган ишлар ҳамон бўлиб турипти.

Куни кеча 15 кварталга бордим. Бир вақтлар Чўпонота деганда кишиларнинг кўз ўнгига соясалкин боғлар келар эди. 15-квартал собиқ Чўпонотада қад кўтарган. Бу ердаги боғлардан ном-нишон қолмапти. Тўғри, собиқ пионерлар лагери ўрнидаги олмазор, ўрикзор ҳамон турган экан. Лекин «азамат бульдозерчилар» уларни ағдариб ётипти. «Ҳой ноинсоф, ўзингку бир туп дарахт экмагансан, бироз кўкартириб, ҳосилга киритиб қўйган дарахтни аввайласанг асаканг кетадими» дейдиган одам йўқ. Ахир ақалли мана шу пионер лагери ўрнига уй солмаслик мумкин-ку, Бутун бир кварталда битта олмазор боғ бўлса, кимга зиён?

Бошқа кварталларда ҳам, «Халқлар дўстлиги» кўчасининг иккала юзида ҳам аҳвол шу. Дарахтлар йўқ, борлари ҳам қуриб қоляпти.

Сергелида шаҳар ободончилиги, озодалигини кўриб қувондим. Арикларда шарқираб сув оқиб ётипти. Лекин бу ерда ҳам қилинадиган ишлар кўп кўринади. Районда махсус катталроқ боғ йўқ. Боғ учун мўлжалланган жой сайҳон бўлиб ётипти.

«Ҳукумат ўстириб берсин»

Ҳар куни ўнлаб уйларда ҳовли тўйи ўтказилиб турипти, ҳар куни ўнлаб оилалар янги уйларга кўчиб кириляпти. Одам боласи доимо чиройли нарсани яхши кўради. Дераза-нгизнинг тагида бир туп олча пишиб турса қувонасиз. Еки бир туп мажнун тол ўсиб турса тагини супириб-сидириб оқшомлари қўшнингиз билан чойхўрлик қилгингиз келади. Аммо кўкламда ёнидан бир сўм чиқариб битта кўчат ўтқазиб қўйиш ҳаммага ҳам хуш ёқавермайди. Кўп қаватли бинолар орасида сақланиб қолган дарахтлар тагига икки челак сув қуйиб қўйиш шу уйларда яшовчи бирорта одамнинг эсига келмайди десам мендан ранжиманглар.

Ҳали айтдик: ҳозир янги районлар бунёд этилган жойларда катта боғлар бор эди дедик. Уша боғларни ким бунёд этган эди? Одамларнинг ўзи эмасмиди? Хўш, энди одамларимиз ўзгариб қолдими? Нима учун бир пакир сув қуйишга эринамиз? Нима учун керак бўлса дарахтни ҳукуматнинг ўзи ўстириб берсин деймиз. Шу ҳам инсофданми!

Тўғри, кўп жойларда ариқлар бузилиб кетган. Кўп жойларда бор ариқларда ҳам сув йўқ. Натижада неча минглаб маблағ сарфлаб, экиб қўйилган кўчатлар ёз кирмасиданоқ қуриб қолди. Шаҳар ободончилик бош бошқармаси ирригация бўлимининг бошлиғи Қодир Мўминовнинг айтишига қараганда шаҳардаги жуда кўп ариқларда сув танқис. Лекин Қодиржонга яна битта савол беришга тўғри келади. Сув танқис бўлса, қачон кўпаяди? Бузилган ариқлар қачон тузатилади? Бир томондан ирригация бўлими, бир томонидан аҳолининг ўзи ҳаракат қилиб юборса сув танқислиги сезилмасди, дарахтлар яшнаб кетарди.

Сирасини айтганда дарахт фақат ҳуси учун эмас. Одамлар уни тани соғлиққа фойдаси учун ўстиради. Докторларнинг ҳисобига кўра, ҳар бир одам учун 50 квадрат метр дарахтзордан чиққан тоза ҳаво керак экан. Ҳозир шаҳримизда бунинг учдан бири ҳам йўқ. Бу масалада Киев, Минск каби салқин ҳаволи шаҳарлардан неча баравар орқадамиз! Уёгини сўрасангиз бизда у ердагига қараганда неча баравар кўпроқ дарахт бўлиши шарт.

Инсоф сари барака

Шаҳримизнинг истаган жойига бориб кўринг. Тўрт-беш қаватли бинонинг тагида, бўйра бўйи жойга сепиб қўйилган пиёзми, укропми кўрасиз. Бу — шу уйда яшовчи бирон кишининг «томорқаси». Экибдими, қандини урсин! Лекин бўйра бўйи кўкаламзор одам бўйи панжара билан « ўраб қўйилади. Қани, қўшнининг боласи шу пиёздан бир дона юлиб кўрсинчи? Бўлади тўполон. Бўлади тўполон! Ўша одам кечкурунлари ўзининг томорқасига сув сепаётганида бешқадам нарида турган дарахтга ярим пакир сув қуйиб қўйишни ўзига эп кўрмайди. Инсоф қани!

Яна бир гап кўпдан буён тинчлик бермайди менга. Нима учун кўча қўйларга терак, акас, чинорлар ўтқазамизу, мевали дарахт экмаймиз. Дунёнинг кўпгина шаҳарларида ўз номи билан аталадиган олмазор, олчазор, ёнғоқзор, шафтолизор кўчалар бор. Хўш, нима учун бизда йўқ? Қайси куни бир одамга айтсам, «Қўйсангизчи, ғалва қўпаяди. Бола-чақа дарахтга тош отиб, дераза синдиради, шохига осиниб қўлини чиқарады», дейди.

Ёлғон гап! Аввало ҳар кўчада олма, ёнғоқ, ўрик, нок ўсиб ётса кеч ким қайрилиб ҳам қарамайди. Одамларнинг ўзидан кўра кўзи тўйиб қолади. Нима учун Фарғонанинг қоқ марказидаги олмазорга болалар осилмайди? Нима учун Наманган боғидаги шафтолилар билан қеч кимнинг иши йўқ? Нега Чирчиқдаги олчалар қеч қимнинг кўзини ўйнатмайди? Нега деганда бундай мевалар ҳар кўчада бор. Бунинг устига ҳар кимнинг ўз мевали дарахти бор.

Майли, шаҳримизда мевали кўчатлар ўтқазилсин, мевалар пишсин. Одамлар есин. Еганда, одамлар ейди-ку, ахир. Бир кило олма учун бозорга югурадиганларнинг ярми камайса, мева арзон бўлмайдими? Борингки, ўша олмалар тагида тўкилиб ётган мевалар қайнатиб қўйилса, қишда нафи тегмайдими?

Азиз ҳамшаҳарларим. Мен кўнглимда борини айтдим. Балки бу нарсаларни сизлар ҳам ўйлаб юргандирсиз. Қани, сиз нима дейсиз.

САКСОН ОТА.

КЕМАСОЗЛАР ПОЙТАХТИ


Прага. (АПН — Прогресс). Дунай бўйидаги Комарно шаҳрининг кемасозлик корхоналарида қурилган кемаларни кўпгина дарё ва кўлларда кўриш мумкин. 2700 тонна юк кўтараоладиган янги теплоход Комарно кемасозларининг фахри бўлиб қолди. Денгизларда сузиш учун мослаштирилган бу кема СССР буюртмаси билан қурилди.

Яқинда руда ва сочиладиган юклар ташиш учун махсус ишланган яна бир конструкциядаги кема нишабдан сувга туширилди. Унинг двигателини теплоходнинг турли ерларига жойлаштирилган пультдан туриб бошқариш мумкин. Палуба механизмлари кема қуйруғида жойлаштирилган пневматик асбоб-ускуналар ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Комарно кемасозлари корхоналарини кейинги вақтларда тубдан қайта қурдилар.— Улар такомиллаштирилган асбоб-ускуналар билан қуроллантирилди. Юқори малакали мутахассислар ишлаётган ўз конструкторлик бюролари бор. Корхоналарда 4000 тажрибали кемасоз ишлаяпти. Словакларнинг қадимги Комарно шаҳри ҳам кемасозлик корхоналари ўсган сари обод бўлиб бормоқда. Ҳозир бу шаҳарни Словак кемасозларининг пойтахти деб атамоқдалар.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Берлиндаги «Берлин — Копеник» радиозаводида радио ва акустика приборларини тайёрлаш пайти.



Бирликка интилиш, интернационализм руҳи

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада ўтаётган халқаро кенгаши ишини бутун дунё зўр эътибор ва қизиқиш билан кузатиб турибди. Бу воқеа чет эл матбуоти, информация агентликлари, радио эшиттириш ва телевидениесининг асосий мавзуи бўлмоқда. Кенгашнинг очилиши, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 75 қардош партия вакилларига қарата сўзлаган табрик нутқи кенг кўламда ёритилмоқда. Чет эл матбуотининг кўпгина органлари Л. И. Брежневнинг коммунистлар бирлиги, уларнинг куч қувватларини бирлаштириш антиимпериалистик революцион кураш муваффақиятининг муҳим шарт-шароити, социализм янги галабаларининг муҳим замини бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади деган сўзларни айниқса бўрттириб кўрсатмоқда.

КПСС Марказий Комитети кенгаш замонамизнинг барча революцион, озодлик, прогрессив кучларини империализмга қарши курашга сафарбар этиш йўлида муҳим босқич бўлади, у халқаро коммунистик ҳаракат жипслиги ишига, марксизм-ленинизм ишига, пролетар интернационализми ишига катта ҳисса қўшади, деб ишонч билдирганлиги ҳам таъкидлаб ўтилмоқда.

Тинчлик ва тараққиётнинг барча дўстлари кенгаш чақирилишига улуғвор, чинакам тарихий воқеа деб баҳо бермоқдалар. 1969 йил 5 июнь деб ёзади Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихига шонли, унитилмас сана бўлиб киради. Барча қитъалардан вакил бўлиб келган ва Москвада йиғилган қардош партияларнинг куч-ғайратлари, миллион-миллион коммунистларнинг интилишлари катта муваффақият билан тугар эди. Москва кенгаши фактга айланди.

Чехословакиянинг «Руде право» газетаси кенгашни «халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг мўътабар анжумани» деб атади.

Матбуотнинг бошқа кўпгина органлари Москва кенгашининг кун тартибида турган асосий масала барча халқларнинг манфаатларига тааллуқлидир, деб ёзмоқда. Францияда чиқадиган ҳафталик «Франс нувель» газетасида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини ва курашини қучайтириш барча антиимпериалистик кучларнинг манфаатларига шунингдек ҳар бир айрим мамлакат халқларининг манфаатларига жавоб беради».

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашини жаҳонда биринчи социалистик давлат пойтахти Москвада ўтказилиши, деб таъкидлайди ГДРда нашр этилувчи «Нойе цайт» газетаси, инсоният тараққиётида ҳал қилувчи омил бўлиб қолган жаҳон социалистик системасининг қудратидан алоҳида куч билан далолат беради. Кенгаш ўтаётган Кремлининг Георгий залида, деб ёзади Италиянинг «Унита» газетаси, социализм турмушнинг ниҳоятда турли доираларига жуда чуқур таъсир кўрсатувчи чинакам жаҳон системасига айланганлигини айниқса яққол ҳис этасан киши.

Кўп миллионли коммунистлар армияси, барча меҳнат аҳли империализмга қарши курашда бирликни мустаҳкамлашга бўлган орзу-умидларини Москва кенгаши билан боғламоқда.

Буржуа матбуоти Москва кенгашининг очилганлигини хабар қилар экан, унинг кенг ваколатли характерда эканлигини тан олишга мажбур бўлди. «Нью-Йорк таймс» газетаси кенгашда 75 коммунистик ва ишчи партияларнинг қатнашуви, «кутилганидан анча кўпдир», деб ёзди.

Шу билан бирга буржуа матбуотининг баъзи органлари Москва кенгаши муваффақият билан иш бошлаганлигидан ғижинаётганлигини яширa олмаяпти.

Лекин Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетасининг таъкидлаб ёзишича, коммунистик ва ишчилар ҳаракати йилномасига яна бир шонли саҳифа ёзилди. Қардош партияларнинг бирликка интилиши, империализмга қарши курашдаги жипслиги, уларнинг умумий мақсадлари амалга оширилиши учун интилишлари ўсиб бораётганлиги коммунистлар халқаро анжуманининг бундан буёнги ишини белгилаб беради. Бу мақсадлар кенгашга тайёргарлик кўриш чоғидаёқ намоён бўлган эди.

(ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

АЗПАК СЕССИЯСИ

ТОКИО. Япония Бош министри Сато бугун ҳарбий вертолётга тушиб, пойтахтдан 100 километр ғарби-жанубдаги кичик курорт шаҳри Ито-га келди. Осиё-Тинч океан кенгаши (АзПАК)-нинг тўртинчи сессияси шу шаҳарчадаги меҳмонхоналарнинг бирида бугун очилди.

Япония тупроғида очилган бу сессияда бундан уч йил муқаддам Вашингтон стратегияларининг ҳаракати билан тузилган ана шу пактда қатнашувчи мамлакатлар — Жанубий Корея, Тайвань, Малайзия, Филиппин, Таиланд, Жанубий Вьетнам, Янги Зеландия, Австралия, Япония ҳукуматларининг министрлари иштирок этмоқдалар. Ана шу пактда қатнашувчи мамлакатларнинг кўпчилиги ўз қўшинларини Жанубий Вьетнамга юборган бўлиб, АҚШнинг вьетнам халқига қарши қуролли агрессиясида қатнашмоқда.

Киодо Цусин агентлиги хабар беради: сессия қатнашчилари мазкур пакт иш кўрадиган зонадаги мамлакатларнинг «иқтисодий ва социал тараққиёт масалалари юзасидан расмий эълон қилинган очиқ фикрлашиб олиш»дан ташқари, Осиё ва Узоқ Шарқдаги вазиятга доир умумий проблемаларни, шу жумладан Вьетнамдаги аҳволга тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш ниятидадир.

«Асаҳи» газетаси Осиё-Тинч океан кенгаши сессиясининг очилишини шарҳлаб, бу ташкилотнинг аста-секин «коммунистик мамлакатларга қарши» кураш органига айланиш хавфи борлигини кўрсатади. Газетанинг таъкидлаб ёзишича, Япония раҳбарларининг Осиё-Тинч океан мамлакатлари кенгашининг сессияси «тинчлик ва юксалиш манфаатларини кўзловчи конференция» деб айтган гаплари хатарли чалғитишдан бошқа бир нарса эмас.

Япония Бош министри Э. Сато сессияни очиш вақтида табрик нутқи сўзлади. Сессия уч кун давом этади.

(ТАСС)



Шу кунларда ханойлик ҳайкалтарош Зьеп Минь Тяу Жанубий Вьетнам Халқ қуроли кучлари қаҳрамонлари образини яратиш устида ишлаяпти. Ҳайкалтарош Москвада бир неча марта бўлган, унинг асарлари совет кишиларига маълум.

В. Соболев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

«Ҳозирги ёшлар илгариги ёшлар эмас...»

(Боши 3- бетда)

Ёшларда соғлом ахлоқ шаклланиши, улар маънавий ва жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишлари учун ўқишни тўлғизадиган жиддий меҳнат зарур. Ўқиш—бу меҳнатми ёки меҳнат эмасми, деган мунозарага чек қўйиш вақти келмадимикин? Ҳа, ўқиш меҳнат, лекин у фақат билим олиш билан боғлиқ бўлган интеллектуал (ақлий) меҳнатдир. Бунга қўшимча жисмоний меҳнат, яратувчи меҳнат ҳам керак. Булар бир-бирининг ўрнини босолмайди.

Табиийки, меҳнат тарбиясининг мазмуни ва характери ўзгариши керак. Лекин ҳар ҳолда масъулият туғдирадиган, ижод қувончини юзага келтирадиган, ҳаёт билан алоқани мустаҳкамлайдиган, ҳаракатни талаб қиладиган ва агар истасангиз тер тўкишни талаб киладиган меҳнат болани ёшлигидан бир умр йўлдоши бўлиши керак. Бизда эса мактабларда ҳозирги замон цехи ёки колхозини оилаларда ўсмирлар оиланинг ҳамма ташвишларидан озод қилинишини одатдаги нарса деб тушунадилар. Худди шундай усулда тарбияланган истеъмолчи бу одатларини катта бўлганда ҳам ташламайди. Ҳаммага маълумки, болалигида меҳнаткаш бўлган киши катта бўлганида дангаса бўлиб қолмайди.

Машиний ва моддий таъминланганлик, кетидан меҳнат ва маънавий жиҳатдан хомлик ўсмирнинг ҳаётда фақат истеъмолчи бўлиб қолаётганлиги асосида ривожланади. Бунинг ноҳуш оқибатларини сезгирлик билан англаш, ҳамжиҳатлик билан, бутун жамоатчилик ёрдамида самарали тарбия воситаларини қидириш керак. Бунда кекса кишиларнинг бир қисми ўртасида тарқалган салбий ҳаддан ошиш — бугунги болаларнинг афсуски етарли ўрганилмаган дида, танца тушиши, қарашлари, ҳуллас бутун яшаш усули ҳақида асоссиз равишда оҳ-воҳ уришга берилмаслик керак. Бу ачиқланиш тарбияга кириб бориб, педагогик обрўни оширмайди, аксинча уни сусайтиради. Самарали педагогик таъсирнинг муҳим бир шарти — ўзаро тушунишнинг мавжудлиги, педагоглар томонидан тарихий шароитнинг ҳисобга олиниши бузилади. Бу ҳақда В. И. Ленин ҳам жуда яхши гапни айтган эди: «Кўпинча шундай бўладики, кекса ва эски авлоднинг вакиллари зарурат юзасидан социализмга ўзгача, оталарининг йўлидан бошқа йўлдан яқинлашган, бунда **бошқа шакл, бошқа вазиятдан фойдаланган ёшларга ёндашолмайдилар».**

Бизнинг болаларимиз — жамият ривожланишининг маълум шароити мевасидир. Уларнинг бугунги кунда моддий томондан юқори даражада таъминланганликлари, кўп жиҳатдан билим олишга талаб ортиб бораётганлиги мустақил меҳнатга узоқ вақт тайёрланиш зарурлиги билан изоҳланади. Ёшларнинг машғулоти, интизоми, масъулиятига талабни ошириб бориб, мактаб оила, бутун жамоатчилик ва биз ўсмирларнинг маънавий дунёсига, педагогик воситаларнинг такомиллашишига бекиёс катта эътибор беришимиз керак. Бизнинг кўз олдимизда оила—тарбиянинг муҳим мактабида чуқур ўзгаришлар юз бераяпти. Танланган иш билан ғоят бандлик албатта ҳар бир жиддий ишни бусиз тасаввур қилиш қийин. Ўсиб бораётган болалар билан яқин муносабатда бўлишимиз учун бизга жуда кам вақт қолдиряпти. Шу билан бирга, ёш ота-оналар шахсий ҳордиқда анча, эркин эканликлари, ўзаро муносабатлардаги ҳар қанақа «адолатсизликларга» кескин зарба беришлари сезилди. Булар ҳаммаси оила атмосферасини анча ўзгартиради. ота-оналар ва болалар ўртасида янги масофа юзага келтиради.

Шундай қилиб, ўзига хос ситуация юзага келади: тез ўсиб бораётган ўсмир катталарнинг мураккаб муносабатлари дунёсига тушиб қолади, бу нарса кўпинча уни эзади. Бунда биз ўз ташвишларимиз билан банд бўлиб, қизимиз ёки ўғлимизнинг қалбига қулоқ солишга, уларнинг ҳоҳишларини тушунишга қунт қилмаймиз, қарашларининг шаклланишига ёрдам бермаймиз.

Оила тарбиясининг аҳамиятини заррача ҳам камситмаслик керак, айниқса ўсмир жуда малакали педагогик эътиборни талаб қилади. Шу муносабат билан бизнингча ўсмир билан бўладиган тарбиявий ишнинг оғирлик марказини мактабга кўчириш тўғрироқдай туюляпти. Ғап ўрта ва катта синфлардаги ўқувчилар билан дарсдан кейин бўладиган ишларни ҳар томонлама кенгайтириш, дарсдан кейин мактабни секин-аста пионер ва комсомол клубига айлантириш. мактаб ўқувчиларининг ижтимоий-фойдали меҳнатлар доирасини кенгайтириш устида боряпти.

Бундай қилиш педагогик самара беришидан ташқари, ижтимоий томондан ҳам катта аҳамиятга эга. Мактаблар биноларга, спорт залларига ва майдонларга, жиҳозланган хоналарга эга.

Мактабнинг энг муҳим устунлиги —ўрта ёшдаги ва катта ёшдаги болалар билан синфдан ташқарида ишлашда ҳал қилувчи куч бўлган педагог кадрлардир. Албатта, бу фаолият ўқитувчидан фақат предметни яхши билиш билан бирга. болалар билан дарсдан ташқари муносабатда бўлишни, янги ўқув ва педагогик маҳоратни талаб қилади. Ахир, синфда қимирламасдан доскага тикилиб ўтирган 40 ўқувчи билан дарс олиб бориш бошқача, бу ўқувчилар билан уларнинг хоҳиши ва характерини ҳисобга олган ҳолда дам олишни ташкил қилиш бошқа нарсада.

Ўсмирлар билан ишлаш учун индивидуал муносабат методикасини нозик эгаллаган мастер бўлиш керак. «Тарбиячи шахсининг ёш қалбга таъсири шундай тарбиявий кучдан иборатки, уни ўқув китоби билан ҳам, ахлоқий панд-насиҳатлар билан ҳам, жазолаш ва рағбатлантириш системаси билан ҳам алмаштириб бўлмайди» — деган эди К. Д. Ушинский. Афсуски, бизнинг мактаб педагогикамизда кўпинча мана шундай маҳорат етишмайди. Бунинг сабаблари кўп: мактабларда группалашган, бир қолипдаги тарбияга эътибор бериш, тарбияда талаб ва методнинг бир хил намуналари ҳукмронлик қилиши ва ниҳоят, педагогика олий ўқув юртларига болалар билан ишлашга лаёқати бўлмаган кишилар жалб қилинаётганлиги бунга сабаб бўляпти. Буларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак.

Кўриниб турибдики, бу мақолада кўтарилган масалалар — улар мураккаб масаланинг ҳамма томонини қамраб олмайди албатта,— партия ва комсомол ташкилотлари, халқ маорифи ташкилотлари, СССР Педагогика фанлари академияси ва сўзсиз, университетлар ва педагогика олий ўқув юртлари кафедралари — ўсиб бораётган авлодни ҳаётга тайёрлашга ким жавобгар бўлса — ҳамманинг биргалашиб ҳаракат қилишини талаб қилади.

Э. КОСТЯШКИН.

СССР Педагогика фанлари академияси педагогика назарияси ва тарихи институти сектор мудири.

(«Правда» дан).

Азиз Несин

Ғаройиб болалар



Синфимизда Ҳикмат деган бир қиз бор. Шу дугонам яқинда менга бир гап айтган эди, сенга ёзайми-йўқми, деб роса иккиландим. Охири унинг айтганларини хатга солишга қарор қилдим. Сабаби шуки, Ҳикмат бу гапни синфда ҳеч ким билмасин деган эди. Мен ҳам ҳозиргача бировга айтганим йўқ, сир сақлаб юрибман. Сен Ҳикматни танимайсан, бинобарин унинг сирини сенга айтган билан сўзимдан қайтган бўлмайман. Шундайми?

Мен бу билан дугонамнинг ғийбатини қилмоқчи эмасман. Масала анча жиддийроқ, мени жуда ўйлантириб қўйди. Бу ҳақда сенинг фикрингни ҳам билмоқчиман.

Мактабга янги келган кунларим Ҳикматга унча эътибор бермаган эканман. Беозоргина юрадиган, камгап бола эди. Олдинига мен уни ўғил бола деб юрган эдим. Кўрган одам уни чиндан ҳам ўғил бола дейди. Ўғил болалароға ўхшаб кийиниб юради, сочлари ҳам калта қилиб қирқтирилган. Жуда нимжон. Танаффус пайтида қизларга ҳам, ўғил болаларга ҳам қўшилмайди, анча одамови. Кимлигини отига қараб ҳам билиб бўлмайди, — Ҳикмат исм деган ўғил болалардаям, қизлардаям бор.

Бир куни физкультура дарси кетаётган эди. Ўқитувчи болаларни икки тўпга бўлди — қизлар бир томонда, ўғил болалар бошқа томонда. Ҳикмат қизлар тўдасига бориб турди. Олдинига тушунолмай ҳайрон бўлдим. Шундагина унинг қиз бола эканини билдим. Жуда қизиқиб қолдим.

Бир куни Ҳикмат мактабга руҳи қаттиқ эзилган ҳолда келди. Сабабини сўрасам, айтмади. Жуда қўймаганимдан кейин охири:

— Ростини айтсам, менинг ҳам бор гапни айтиб, бироз енгил тортгим келади, — деди. — Аммо ҳамманинг оғзига тушишдан қўрқаман.

Мен ҳеч кимга айтмасликка сўз бердим. Шундан кейингина у бутун дардини тўкиб солди.

Отадан улар саккиз фарзанд экан. Ҳаммаси қиз бола эмиш.

Ҳикматни баъзан мактабда ўзидан каттароқ бир бола олиб келгучи эди. Мен акаси бўлса керак, деб ўйлаб юраркан.

— Бўлмаса у бола сенга ким бўлади? — деб сўрадим.

— Опам-ку у. Кийимини кўриб ҳамма уни ўғил бола дейди.

Ҳамма опалари шунақа кийиниб юришаркан. Сабабини сўрадим.

— Дадамнинг раъйи шу.

— Хўш, нима қиптиг Шунга ҳам ҳафа бўласанми?

Гапига қараганда, отаси ўғил кўришни орзу қиларкан. Тўнғичига қиз туғилганда роса кўнгли ўксиб юрибди. Ҳа, майли, кейингиси ўғил бўлар, деб ўзини овутибди. Ҳатто ирим қилиб, чақалоқ туғилмасданоқ отини тайёрлаб қўйипти. Танлаган исми ўғил боланики экан. Гўё бола исмга қараб туғиладигандек. Унинг яна омади келмаптими ёки аксига олибми, ҳуллас, иккинчисига ҳам қиз кўрибди. Ота неча ҳафтагача карсоқов бўлиб юрибди. Танишбилишлари уни юпатиб, «Ҳали ёшсан, яна кўп фарзанд кўрасан» дейдиган бўлса, «Булар ҳам қиз бўлса нима қиламан» деб ич-ичидан куюнармиш. Яна фарзанд кўрадиган бўлишибди. Уччаласи ҳам кетмакет қиз бўлмас ахир. Ота шу умид билан яна ўғил боланинг исмини ҳозирлаб қўйибди. Ўзига ишониб юборганидан хотинини туғруқхонага жўнатиши билан ошна-оғайниларини уйга чақириб, зиёфат қилиб берибди. Зиёфат айни қизиб турганида туғруқхонага телефон қилган экан, яна қиз кўрганини айтишибди. Буни эшитиб, ҳуши бошидан учибди. Лекин номуси ўрлик қилиб, мехмонларга буни билдирмапти. Ҳаммага ўғил кўрдим, деб эълон қипти. Хотини билан қизларига пўписа қилиб, бировга гуллаб қўймасликларини қаттиқ тайинлабди.

Ўғилталаб ота ўйлаб-ўйлаб охири хотинидан ажралишга қарор қилибди. У ўғил туғмайдиган хилидан экан, деб ўйлаган хотинини қўйиб, бошқасига уйланибди. Тақдирнинг тақозосини қараки, янги келинчак бир йўла эгизак қиз туғиб берибди. Олдинги хотини бошқа кишига турмушга чиқиб кетган экан, арслондай ўғил кўрибди. «Ахмоқ эканман, хотинимнинг энди ўғил туғадиган пайти келганида қўйиб юборибман, чакки иш қилган эканман», деб бояқишнинг ичидан роса қирипди ўтибди.

(Давоми бор)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

• Реклама ва эълонлар •

Радио

12 ИЮНЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ислоҳот амалда» деган эшиттириш (ўзбекча). **18.10** Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти. **19.20** Татар куйлари. **20.00** Футбол. «Пахтакор» — «Шахтёр» (Донецк). Марказий «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади. **20.45** «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси. **21.15** «Гулла-яшна, Мирзачўл!» деган музикали-адабий радионокомпозиция. **22.20** Енгил куйлар. **22.40** Ленин ва давлат мукофотларига тақдим этилган асарлар. С. Бабаевский. «Оқ нур» романидан парча. **23.15** Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Ёшлар ижоди» (ўзбекча). **19.30** «Нодир асарлар». Титто Руффо куйлайди. **20.00** «Дўстлик қўшиқлари» деган радиокомпозиция. **20.30** Г. Мушель. Скрипка ва оркестр учун концерт. **21.00** У. Назаров. «Ким айбдор?» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). **21.40** Москва.

13 ИЮНЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Севги қўшиқлари (ўзбекча). **8.25** Республика санъат усталарининг концерти. **9.30** М. Левиев. «Сўҳайл ва Меҳри» балетидан сюита. **11.15** «Яхши ташаббусни қўллаб» деган эшиттириш (русча). **11.30** Ёш шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. **13.30** Италия қўшиқлари ва куйлари. **15.15** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (ўзбекча). **16.10** «Илҳом чашмаси» деган музикали эшиттириш. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** Ўзбекистон композиторларининг симфоник куйлари.

18.00 Илмий-атеистик темаларда эшиттириш (ўзбекча). **18.10** Республика композиторларининг романслари. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ўзбекистон индустриальний» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт (русча). **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Дала меҳнаткашлари учун концерт. **21.30** Сиёсий билимлар радиоуниверситети (ўзбекча). **22.20** И. Акбаров. «Тўёна» вокал сюитаси. **22.40** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча). **23.15** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куйлардан-куйларга. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Классик шоирлар газаллари билан айтиладиган қўшиқлар. **19.30** Ф. Пуленк. «Одобли жониворлар» балетидан сюита. **20.00** Сиз ёқтирган қўшиқлар (тожикча). **20.30** Ўзбекистон композиторларининг хор асарлари. **20.50** «Ҳам давлатга, ҳам колхозга қулай» деган эшиттириш (русча). **21.00** Жаҳон шоирлари Ленин ва Октябрь ҳақида. Янги таржималар (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Н. Погодин. «Кремль қурантлари» радиоспектакли (русча). **16.00** «Гўрўғли ва Бозиргон» халқ афсонаси.

Телевизор

12 ИЮНЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. **18.50** Болалар учун. «Омадсиз бўри». Қўғирчоқ фильм. **19.00** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Пахтакор» — «Шахтёр» (Донецк). Тапаффус вақтида ўзбек тилида телевизион янгиликлар. **20.45** Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.50 Ўн минут музика. **21.00** Саноат ходимлари учун. «Ишчи номи мағрур янграйди» программаси. **21.35** «Кинотеатрнинг 50 йиллиги». «Дружба». Навоий номли, «Москва», «Ўзбекистон» (кечқурун).

Рошфорлик қизлар — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Чашма узра ташналик — «Ўзбекистон 25 йиллиги» (кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «Комсомол 30 йиллиги» (кечқурун).

Эрканча гап — «Москва» (кеч соат 9.20 минутда).

13 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Дакийлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ». «ДРУЖБА». НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Рошфорлик қизлар — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Чашма узра ташналик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

13 ИЮНЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. **18.45** Ўсмирлар учун. «Моҳир қўллар». **19.20** Халқ контроли экрани. **19.50** «Даврон ва дўстлари». Бадиий фильм (ўзбек тилида). **21.10** СССР халқ артисткаси Галия Измайлова ижодий портрети.

Ўзбек тилида: 22.10 Телевизион янгиликлар. **22.25** «Ўзбекистон чорвадори» программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Телевизион янгиликлар. **13.15** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Табиат мўъжизалари». **13.30** Бадиий фильм **15.00** Ўқувчилар учун. «Икки дўстнинг юз хил ўйини». **15.30** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ДЎСТЛИК ЭКРАНИ. ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

18.00 Экран — болаларга. **18.15** «Сехрли қалам». **18.45** Янгиликлар. **18.55** Телеочерк. **19.15** «Сиз буни биласизми?».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Музикали киноленинома саҳифалари. **21.00** Беш йиллик йўллари. **21.30** «Правда» газетаси мукофоти учун югуриш бўйича халқаро мусобақалар. **23.00** Музикали календарь саҳифалари. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Рангли телевидение программаси. Болгар фильмлари фестивали. «Ивайло». Бадиий фильм. **01.45** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

20.00 Телевизион фильм. **20.50** «Карл ва Анна». Телепостановка премьераси. **21.50** «Трест операцияси». Телевизион фильмнинг 1-серияси. **19.55** Кўрсатувлар программаси. **20.00** Телевизион янгиликлар. **20.10** Адабий театр. **21.00** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Колокольчик» театри. **21.30** «Физкультура ва спорт» тележурнали. **22.30** Россия Федерацияси бадиий ҳаваскорларининг концерти. **23.30** Янгиликлар эстафетаси. **00.15** Г. Даниэль. «Ўлик арслон иши». Телеспектакль премьераси. **01.45** Грузия рақс ансамблининг концерти. **02.45** Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги. **03.00** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03.15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

Рус тилида: 18.00 Экран — болаларга. **18.10** Янгиликлар. **18.20** Реклама ва эълонлар. **18.30** «Трест операцияси». Телевизион фильмнинг 2-серияси. **20.00** Кўрсатувлар программаси.

Қирғиз тилида: 20.05 Болалар учун. «Тогдаги лагерь». **20.20** Янгиликлар. **20.30** Ильичга рапорт берамиз. **21.40** Телеочерк. **21.50** Вақт. воқеалар, хроника. **22.00** «ЗОЯ». Бадиий фильм.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VI да **Бой ила хизматчи**, 13/VI да **Парвона**, 14/VI да **Шоҳ Эдип** (спектакллар кеч соат 8 да бошланади).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/VI да **Катта концерт**, 13/VI да **Ажаб савдолар**.

Кино

12 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Дакийлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 4 ва кеч 8 да).

Ҳаводаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Маҳтумқули — «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз соат 1 ярим ва 5 да).

Рошфорлик қизлар — САНОАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 ярим, 5 ярим ва кеч 7 ярим, 9 яримда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади).

Дакийлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уруш— уруш-да — «ХИВА».

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

24 июнь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўсимликлар ҳимояси, мева-сабзавотчилик, ипакчилик ва ўрмончилик факультетларининг илмий совети кенгаши (60 аудитория)да қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Қ. Қодирхўжаев: «Эртапишар картошка навларини экиш муддати ва сақлаш усулларининг унинг уруғлик сифатига таъсири» деган темада;

Ғ. Т. Умаров: «Ўрта Осиё чўлларида саксаул экишнинг оптималь муддатини белгилаш» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе, 4 уй) да танишиш мумкин.

24 июнь кундуз соат 1, да Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия, агрохимия ва тупроқшунослик факультетлари илмий совети кенгашида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

С. Бекмуротов: «Қорақалпоғистон АССРда ғўзани квадрат-уялаб ва қаторлаб ўстиришда кўчат қалинлигини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилига таъсири» деган темада;

Г. Г. Бабикова: «Мирзачўлнинг оч тусли бўз тупроқларида минерал ўғитларни ўзаро нисбати ва дозасининг пахта ҳосилига таъсири» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе, 4) да танишиш мумкин.

25 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти илмий совети кенгаши (Куйбишев кўчаси 14-уй) да филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Н. А. Расулова: «Абу-Хайҳоннинг Китоб ал-идрок ли-лисон ал-атроқ «асосий тили» деган темада

Диссертация билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй)да танишиш мумкин.

25 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг химия ва химия технология бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (Черданцева кўчаси 19-уй) да химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Д. Матёқубов: «Турли хилдаги Ўзбекистон нефтларининг гудронларини нисбий оқсизланиши» деган темада;

С. Эшонхўжаев: «Никель ва кобальтни суюқ (симоб) қатодида электролитик чўктириш» деган темада

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй)да танишиш мумкин.



ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» НИНГ

21-«Тоҳир ва Зуҳра» магазини савдосида

(Октябрь колхоз бозорида)

кенг ассортиментда Ватанимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган ҳар турли моделли ва фасонли тикувчилик буюмлари: эркакларнинг куйлаклари, шимлари, костюмлари, эркак ва аёлларнинг мавсумли пальтолари, плашчлари, болаларнинг кўйлаклари, шимлари, костюмлари, пальтолари, кўйлакларн, мактаб ва мактабгача ёшдаги қизчаларнинг плашч ва пальтолари бор.

Тўқимачилик моллари бўлимида ҳар хил рангли ва гулли штапель ҳамда ип-газлама мавжуд.



МАГАЗИНИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 12 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, Саноат транспорт, қурилиш бўлимлари 33-27-03, аҳборот бўлими 33-65-57, эълонлар бўлими 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2775. Р 06552 Индекс 64579.